

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 65 (6807)
1997 йил, 23 август, шанба

Сотувда эркин
нархда

Мен қадимий Тороб қишлоғида туғилганман. Балки бизнинг қишлоғимиз ҳақида эшитмагандирсиз. Қишлоғимиз ўз бошидан неча-неча қиргинбарот жангу жадалларни-ю тарих саҳифаларида абадий муҳрланиб қоладиган буюк воқеаларни бошидан кечирган. Нега дейсизми? Чунки халқ учун, унинг озодлиги ва эрки учун жонини фидо қилган Бухоронинг асл фарзанди Маҳмуд Торобий бизнинг қишлоқда дунёга келган. Мен деярли ҳар кун қишлоғимизнинг кунботар томонида жойлашган Торобий бобомизнинг қўллари билан бунёд қилинган қалъани зиёрат қиламан.

Кундан-кунга нураб бораётган қалъа деворларини куриб ич-ичимдан уқиниб афсусланиб

Хаёлан бу ерда етти аср муқаддам, яъни 1238 йилда бўлиб ўтган воқеаларни тасаввур қиламан. Ушандаги Маҳмуд Торобий бошлиқ қўзғолончиларнинг айнан шу ерда — бугунги куннинг беғам болалари қўй утлатиб юрган жойда эрк учун, озодлик ва мустақиллик учун қон тукиб, жон олиб, жон бериб, мана шу истеҳкомни қурганликларини, ваҳший муғул галаларини Бухорои шарифдан тортиб, тоқим қадим Кармана чулигача қувиб борганликларини, бу ҳаёт-мамот жангида Торобий бобомиз ва у кишининг 220 мингдан ортиқ бегуноҳ сафдошларининг қурбон булганликларини ўйларканман, бу асрлардан афсона сўйлагувчи қалъанинг нақадар муқаддас ва муътабар жой эканлигига яна бир



Иншолар танловига

ҳам мана шу қалъани куриб ухлаб қолардим. Бугун эса болаликдаги уша қарорим қатъиятга айланган. Мактабни тугатсам худо хоҳласа архитектор буламан. Қанийди бу орзум тезроқ ушала қолса...

Авваламбор Торобий бобомизнинг уйғоқ руҳлари, табаррук нафаслари уфуриб турган



Талпиниб ўсаркан бола қўйишга
Нафасин бўғмасин бурқсиган тутун.
Одамлар, болани кўтаринг бошга,
Бола бор уй гушан, бағримиз бутун!

БУ ЕРДА КЎМИЛГАН МУҚАДДАС ИСЁН

кетаман. Юртимизга бостириб кириб, халқни мислсиз азоб-уқубатларга дучор қилган муғул-татар босқинчиларини Бухоридан, унинг муқаддас тупроғидан қонли жанглар ва шиддатли туқнашувлар билан ҳайдаб чиқарган бу буюк бобомизга, у кишининг муборак руҳларига ҳурмат шуми ахир?

Куз олдимда эса мозий тиклангандек булади. Асрлар қаъридан келган бир мунглиг фарёд қулоқларим остида жаранглайверади. Назаримда, Торобий бобомизнинг мардонавор ва шижоатли нигоҳлари мени таъқиб этгандек булади, яна беихтиёр қалъага тикиламан. Унинг ичида бамайлихотир юриб, қўйларини углатаётган болаларни курганимда эса аъзои баданим музлаб кетади.

бора иймон келтираман.

Ҳали мактабга бормаган вақтларимда, қишнинг узун кечаларида бувим менга афсонавий баҳодирлар ҳақида, уларнинг даҳшатли ва ёвуз махлуқларни енгиб, беқиёс куч-қудрат билан улкан бинолар ва ҳашаматли саройлар куриб, халқни фаровонлик ва хурлик сари бошлаганликлари ҳақида эртақлар, ривоятлар айтиб берардилар. Шунда менинг куз олдимга Торобий бобомизнинг мунгайиб турган хароба қалъалари келарди. Мен катта булсам, албатта уша баҳодирларга ухшаб жуда кучли буламан, кейин кундан-кун йиқилиб бораётган мана шу қалъани аслида қандай бўлса шундайлигича зур қилиб куриб битказаман, деб ҳар кеча аҳд қилиб, ҳатто тушларимда

мана шу қадимий қалъани асл ҳолига келтирган булардим. Гоҳида дарсдан буш вақтларимда шеърлар машқ қилиб тураман. Шеърларимнинг аксарияти Маҳмуд Торобийга бағишланган булади. Ҳали келгусида Торобий бобомизнинг ҳаётлари ва курсатган қаҳрамонликлари ҳақида янада купроқ ўқиб урганиб, бадий асар ёзишни ниёт қилиб қўйганман. Чунки Маҳмуд Торобий бизнинг, бутун Ўзбекистоннинг, Туронзаминнинг, қолаверса Бухорои Шарифнинг миллий қаҳрамони, муғуллар зулмига илк бор қарши чиққан буюк исёнкор ва утпорак бобокалонимиздир. Мана бугун том маънода мустақилликка эришган, озодлик йулидан мағрур бораётган дориломон кунларимизда Торобий бобомизнинг руҳларини шод этиб, у кишининг номларини янада абадийлаштирсак, халқимизнинг асрий орзулари кундан-кунга ушалиб бораверади.

Узоқ аждодлардан қолган
бу мерос,
Унга талпинурман руҳимда
ҳайрат.
Зиёратлар қилиб ва айлаб
ихлос
Маҳмуд Торобийдан сўрадим
мадад.
Рухий баркамоллик будир
поёнсиз,
Дуолар қилсан бахтингни
тилаб.
Олтинга тенг маъво эссиз
оҳ эссиз
Тупроқ-ла дардлашиб ётибди
нураб.
Хилхоналар аро чўкканимда
тиз,
Дилимни ўртайди бир дардди
туғён.
Бу ерни тарк этмас
тулпорлар саси,
Бунда кўмилгандир муқаддас
исён.

Шерзод САИДОВ,
Бухоро вилояти,
Жондор туманидаги
127-лицейнинг
11-синф ўқувчиси,
Маҳмуд Торобий
номидаги стипендия
совриндори.

Мактублар қутиси

ҚИБРАЙДАН ХАТ КЕЛДИ

Жажжи қўлчалар билан ажи-бижи қилиб битилган бу мактубни зўрға ўқий олдик. Ва ундан тушунганларимизни сизнинг ҳукмингизга ҳавола этишга жазм қилдик:


«Азиз «Тонг юлдузи»! Биз ўйлаб-ўйлаб сенга хат ёзишга аҳд қилдик. Биласанми, бизнинг мактабимизда бошлангич синф ўқитувчилари етишмайди. Ишонмаяпсанми, рост айтаяпмиз.

Яқинда ҳаммамиз катта қизиқишлар билан мактабга борамиз. Аммо ҳақиқий ўқитувчи синфга киришини қанча пойламайлик, бизга мактабни битириб

ўқишга кира олмаган ака ва опаларимиз дарс ўтиш учун киришади. Чунки ўтган йили ҳам бизга бир ўртоғимизнинг 10-синфда ўқийдиган аълочи опаси сабоқ берган.

Ҳозир ҳам аҳвол шу. Бу йил энтикиб, ҳавас билан мактабга борадиган укажонларимизни ҳам наҳотки, ўқитувчисиз синфлар кутиб олса?...»

Тошкент вилояти,
Қибрай туманидаги
30-мактабнинг 4-синф
ўқувчилари.



● Барча хазиналарнинг калити — китобдир



МЕНИНГ КИТОБ ХОЛАМ

Мен Санжарман. Қайси Санжар дейсизми? Бухоролик аълочи бола-чи? Эсладингизми? Ҳозир олтинчи синфга ўтдим. Ҳар йили таътил пайтида бобомларнинг боғларига бориб дам олиб келардим. Бу йил эса қишлоқда 3—4 кунгина бўлдим холос. Бир куни онам билан Эски шаҳарда яшайдиган Мадина холаминикига меҳмонга бордик. Онам билан Мадина холам гапга берилиб кетишди. Мен эса зерика бошладим. Шунда Мадина холам «Санжар, юр ўғлим, нариги хонага киргинда, узингга ёққан китобни олиб ўқигин», дедилар. Нариги хонага кирдим-у озгим ланг очилиб қолди. Нимани кўрдим денг. Куз олдимда катта кутубхона турарди. Вой-буй. Китобларнинг куплигини. Ранг-баранглигини. Қайси бирини қўлимга олишни билмайман, «Ўзбек халқ эртаклари», «Чалпак ёққан кун»... Китобларни олдим-да дарров ўқигиша берилиб кетдим. Шунчалик берилиб кетибманки, ҳатто онамнинг чақираётганликларини ҳам эшитмабман. Мадина холам менинг қизиқшимни кўриб: «Санжар, тез-тез келиб турсанг янги китобларим бор, ўқийсан», деб мен ва онамни кузатиб қўйдилар.

Уйимизга қайтиб келганимиздан сўнг ҳам Мадина холамининг кутубхонаси куз унгимдан кетмади. Орадан икки-уч кун ўтмасдан мен онамдан уларникига олиб боришларини сурадим. Аммо онам уй ишларидан бушамадилар. Кейин эса ўзим пайт пойлаб Эски шаҳарга йўл олдим. Из-

лаб-излаб Мадина холаминикини топдим. Улар мени кўриб роса хурсанд бўлиб кетдилар: «Ўўғлим. Кел-кел. Яхши қилибсан. Мен сенга янги китоб ажратиб қўйган эдим», — деб қўлимга «Олтин водий эртаклари» деган китобни тутқаздилар. Мен китоб ўқигиша қизиқиб кетиб уларнинг уйида кун буйи қолиб кетдим. Кечқурун Мадина холам қўлимга 3—4 та янги китоб тутқаздилар-да: «Ўқиб булгач, қайтариб келтириб бер, хўпми Санжар», — деб хайрлашдилар. Олиб келгач янги китобларимни қўшни болаларга кўрсатувдим, улар ҳам қизиқиб ўқигишди. Ва мендан бериб туришимни илтимос қилишди. Биз қўшни болалар билан ҳар ҳафта шанба куни тупланиб навбати билан бир-биримизнинг уйимизда китоб ўқийдиган бўлдик. Бир гал бизникида, бир гал Нигиналарникида, бир гал Жамбулларникида. Шундай қилиб қўшниларимиз, атрофдаги болалар китобга қизиқадиган бўлиб қолдик. Мадина холамин эса «китоб хола» деб атай бошладик. Чунки ҳар ҳафта менинг уртоғим Жамбул, Сухроб ҳаммамиз Мадина холаминикига бориб, ўқиб булган китобларимизни ташлаб, янги китоб олиб келамиз. Кеча ҳовлига чиқаётсам, ойим билан Жамбулнинг ойиси икковларининг гапларини эшитиб қолдим. «Вой, Салимахон, шу Санжарбек жуда яхши иш қилди-да! Булмаса Жамбулни узингиз билардингизку. Калтаклаб туриб қўлига китоб тутқазсангиз ҳам ўқимасди. Ерга урсангиз кўкка сапчирди. Ҳеч кимга тинчлик бермасди. Қўшниларнинг ши-

коятдан қаёққа қочишни билмасдим. Бировнинг деразаси, бировнинг эшиги синган, бировнинг қўли бузилган. Энди булса китобга қизиққанидан буён шунақа узгариб, шунақа ақлли булганки, шу олдинги қайсар ва безори Жамбул эканлигига ҳатто ўзимнинг ҳам ишонгим келмайди. Санжарбекка ҳам, Сизга ҳам минг раҳмат».

Мен эса ўзимнинг «Китоб холамдан» янада миннатдор бўлдим.

**Санжарбек РАХИМОВ,
Бухоро шаҳридаги
3-мактаб ўқувчиси.**

БИР ШОДА МАРВАРИД

Болалигимдан ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилардим. Далам эса доим ҳуқуқшунос бўлиш учун ўқиш, ўқиганда ҳам жуда кўп ўқиш, кўп нарсани билиш керак деб таъкидлардилар. Шунданми ёки ўзим табиатан қизиқувчанлигим туфайлими, китобга меҳрим булакча. Тинимсиз китоб ўқийман ва китоб йиғиш билан шуғулланаман. Уйимизда алоҳида бир хонага шахсий кутубхона ташкил қилганман.



Унда ҳар хил: бадиий, илмий, тиббий адабиётлар алоҳида тартиб билан терилган. Синфдошларим, дўгоналарим кутубхонамга келиб китоблардан фойдаланишади. Янги китобларни бирга муҳокама қиламиз. Яқинда дадам бир даста янги китоб совға қилдилар. Шунақа хурсанд бўлдимки. Айниқса бу китоблар орасида Абдуқаҳор Иброҳимов, Хайридин Султонов, Нарзулла Жураевларнинг «Ватан туйғуси» деб ном олган китоблари жуда ёқди. Очиғи бу китобларни ўқиб куз унгимда янги бир дунё, тафаккур олами очилгандек бўлди. Маънавиятимизнинг ва миллий қадриятларимизнинг мен билмаган, ҳали менга очилмаган саҳифаларини ўқир эканман, шу она элимга, ўзбек деб аталмиш гурури осмон қадар баланд халқимга сизиниб, саждалар қилгим келди. Китоб-

нинг «Бир шода марварид» «Теран томирлар» деб аталган иккала қисми мен учун гуё ноёб хазинадек туюлди. Синчиклаб ўқидим, севиб ўқидим, севиниб ўқидим. Айниқса ўзим анча вақтлардан буён ҳаёлимда жавоб излаб юрган демократиянинг сиёсий маданияти ва маънавий қиёфаси ҳақидаги саволларга жуда тўлиқ ва аниқ жавоб олдим. Кўнглим ёришиб кетди. Яна «Олтин бешик» «Одами эрсанг» «Тафаккур нурлари» деб номланган боблар ҳам менда жуда ёрқин таассурот қолдирди. Қадрли «Тонг юлдузи!» Мен сенинг саҳифаларинг орқали барча тенгдошларимга, дўстларимга муурожаат қилмоқчиман. Дўстларим, сиз ҳам албатта шу китобни топиб ўқинг. Шунда озодликнинг, хурликнинг нақадар муқаддаслигини, халқимизнинг қанчалар маънавияти бой, қадриятлари юксак, утмиши бетақдор ва гузал эканлигига ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

**Дилноза АХМАДЖОНОВА,
Учкўприк туманидаги
9-ўрта мактабнинг
11-синф ўқувчиси.**

СЕҲРАИ ҚАЛПОҚЧА

Мен бу йил оромгоҳга бормадим. Чунки энди катта боламан. 7-синфда ўқийман. Уй ишларида, далада аямга қарашмасам бўлмайди. Шунинг учун синглим Шаҳноза ва мен аям билан бирга далага борамиз. Мен эса ҳар куни 2—3 та китоб олиб кетаманда уртоқларим билан маза қилиб ўқийман. Бу китоблар Анвар Обиджоннинг «Аламазон ва Гулмат», «Даҳшатли мешполоннинг бошидан кечирганлари», Х. Тухтабоевнинг «Сариқ девни миниб», «Қасоскорнинг олтин боши» каби саргузашт асарларидир. Бу китоблар орасида айниқса менга «Сариқ девни миниб» асари жудаям ёқди, ўқиб маза қилдим. Асардаги Ҳошимжон ва унинг сеҳрли қалпоқчиси мен-

га шу қадар қадрдон бўлиб қолдики, ҳатто тушларимда уларни кўрадиган, ҳаёлан суҳбатлашадиган бўлдим. Ва мен ҳам албатта шунақанги сеҳрли қалпоқча топаман. Булмаса тинчиш йўқ деб ўзимга ўзим сўз бердим. Кейин бир куни Узоқ бобомларнинг ҳозир ҳеч ким яшамайдиган эски уйларига сеҳрли қалпоқчани излаб бордим. Қоронгида кўрқа-писа энди бир қадам ташлаган ҳам эдимки, Холдон қоранинг буйи нақ буйимча келадиган ити олдида солиб бошлаб қувди. Аранг қочиб кутулдим, лекин барибир сеҳрли қалпоқча ҳақида уйлашни давом эттираведим. Шундай кунларнинг бирида Алим тоғам мен ва Баҳромга шаҳардан соябонли қалпоқча келтириб бердилар. Қалпоқчамни кийиб бир куни қоронгироқда даштдан қайтаётган эдим. Далага тукилган бугдой уюми олдида уймалашаётган беш-олтита болани куриб қолдим. Улар қоровул йўқлигидан фойдаланиб шоша-пиша қопга бугдой жойлашарди. Бу ўғрилиқни куриб ҳайрон қолдим. Ва зудлик билан воқеани қоровулга хабар қилдим. Қоровул эса доим шляпасини эгри кийиб, қўлини орқасига қилиб юрадиган раис бобо билан нариги томондаги далаларни айланиб юрган экан. Улар тезлик билан келишиб талончи ўғрилари ушлашди ва бугдойлар қайтариб олинди. Раис бобом эса хурсандлигидан елкамга қоқиб: «Раҳмат ўғлим, умрингдан ба-

рака топ, халқнинг ризқини, жамоанинг мулкани сақлаб қолишдек савобли иш қилганинг учун отанга раҳмат» — деб мени алқадилар. Азбаройи севинганимдан баланд қирлар устидан сакраб-сакраб югуриб кетдим. Гуё мен ўзимни Ёнгоқ қориларнинг сирларини фош қилиб, ҳамманинг олқишига сазовор булган Ҳошимжондек ҳис қилардим. Бошимдаги соябонли шапкам эса сеҳрли қалпоқчадан ҳам яхшироқ кўриниб кетди шу топда. Назаримда, бу йилги таътил ўтган бошқа таътилларга қараганда яхшироқ ва мазмунлироқ туюлди гуё. Бунинг учун мен билим манбаи булмиш КИТОБдан миннатдорман.

**Хуршидбек ЎРОЗОВ,
Қашқадарё вилояти,
Қамаши туманидаги
Лутфий номли
ўрта мактабнинг
7-синф ўқувчиси.**

Утган ҳафта якшанба куни уйдагиларга мени безовта қилмасликларини қаттиқ тайинлаб, телевизор қаршисига жойлашиб утириб олдим. Чунки мен яхши курадиган «Том ва Жери» деган мультфильм намойиш қилиниши керак



НАМАСТИ, ХИНДУСТАН!

эди. (Ҳойнаҳой сиз ҳам бу мультфильмни курган чиқарсиз, мабода ҳали бирор марта курмаган булсангиз албатта томоша қилинг. Томошага кетган вақтингизга мана мен кафолот бераман, ачинмайсиз. Чунки шунақа қизиқки, кулавериб нақ ичагингиз узилиб кетади). Шундай қилиб десангиз, кузимни экрандан узмай кутяпман. Лекин «Том ва Жери»дан дарак йўқ. Бир пайт «Филлар менинг дустларим» ҳиндча фильм бошланди. Ҳафсалам пир бўлиб, истар-истамас кура бошладим. Лекин, кинодаги воқеалар, ҳинд болаларининг ҳаёти, яшаш тарзи мени узиға шу қадар ром этиб қўйдик, ҳатто кино тугаганини ҳам сезмай қолибман. Шу-шу булдию, Ҳиндистонга булган қизиқишим ортгандан ортиб, уша ёққа кетишга қатъий қарор қилдим. Ва кечқурунги овқат пайтида қароримни овозга қўйдим. Лекин, кичкина сингилчам Камоладан бошқа ҳамма қарши овоз берди. Мен тортавериб сочлари қулоқ чаккасидан бўлиб қолган опам Наргиза эса бетарафлигича қолди. Сунгги чора, яъни овқатдан аразлаб хонамга чиқиб ётиш, бетухтов жаҳл қилишни қўллаганим билан барибир фойдаси булмади. Ҳеч ким, ҳатто меҳрибон ойижоним ҳам ҳолимдан хабар олмадилар. Шунақа алам қилиб кетдики, «Ҳали қараб тур, ҳаммангнинг кузингга курсатаман, Ҳиндистонга бориб, нақ Шохруҳхон билан ака-ука тутинаман, у билан киноларда суратга тушаман, шунда ҳамманг бизни кечир деб ялиниб келасанларку — бекорга овора буласанлар. Камоладан бошқа бирортангни ҳам яқинимга йўлатмайман». Шунақа ва шунга ухшаш ширин хаёллар ва гузал орзулар билан ухлаб қолибман.

КЎЗИМНИ ОЧСАМ: ДЕҲЛИ

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, кузимни очсам Деҳлининг қоқ марказида турибман. Ишонай десам, ҳали ухлаганимда уйда, узимнинг хо-

намда эдим. Ишонмай десам, уша киноларда курганим бе-ниҳоя қизиққанам афсонавий Ҳиндистон. Улкан пальма дарахтлари, бананлар, ҳар хил нотаниш одамлар балки ростданам тушимдир деб уёқ-бугимни чимчилаб курдим. Йўқ... Унгим. Чиндан ҳам Деҳлидаман! Шунда ҳали тушимга учар гиламлар, қанотли отлар, сеҳрли деворлар киргани бежиз эмас экан-да деб уйладим. Чунки, тушимда ҳозиргина учар гиламда сайр қилиб юрган эдим-да. Демак, у унгимда ҳам булибди-да. Узим эртақларни, афсоналар-

ни жуда-жуда яхши куриб берилиб тинглардим. Балки, уша эртақлардаги сеҳрлар кампирлар, доно чолларнинг менга меҳрлари тушиб, учар гиламларини юборган булсалар керак. Ташвишга тушишни ҳеч ҳожати йўқ. Бўёғи таваккал деб узимни тинчлантирдим. Бундоқ қарасам, унун бештача узим тенги, узимдан каттароқ болалар атрофимни ураб олишган. Улар мени эртақдан чиққан шаҳзода ё булмаса ойданми, узга сайёраданми тушган меҳмон деб уйлашди шекилли, кузларини узмай қараб туришди. Кейин бирин-кетин келиб мен билан «Намасти» деб саломлаша бошлашди. Ё тавба... бир вақт мен ҳам ҳиндча гапиряпман денг. Улар билан танишиб олганимдан сунг улардан бири: «Қани, айтинг-чи, меҳмон жаноблари сизни қаерга олиб борайлик», деб сураб қолди, «Зоопаркка», дедим. Улар гуриллаб қулиб юборишди ва каттароғи йўл бошлашди. Деҳли кучаларида кетаяпмиз, вой бу одамларнинг қулигини, шунақа купки, кучаларга сигмайди. Оқ, қора, ҳар хил, яна ҳаммаси мадрасада ўқийдиган қушнимиз Равшанга ухшаб, бошига икки газдан, айримлари унданам каттароқ салла ураб олишган. Яна-чи, Ҳиндистонда умуман қиш булмас экан. Фақат, ахён-ахёнда ёмғир ёғаркан, холос. Қайси йили минус 1 даража совуқ булган экан, ярим миллион одам совуқ уриб олиб қолибди. Кучаларда, боғларда йил буйи хурмолар, бананлар пишиб ётар экан. бананлар шунақа ширинки, бунақаси бизда ҳеч қачон учрамайди. Мабода, эрталаб битта банан есангиз, азбаройи ширинлигидан кун буйи туқ юрасиз. Хурмоларни-ку асти қуяверинг. ҳали уйга борганда, маза қилиб хурмо-ю, банан еганларимни айтиб бериб Нигор пучқунинг бир сулагини оққизмасамми. Лекин барибир бушлигим шу ерда панд берди-да. Булмасам, уйдан ойимнинг «бизнес»га олиб кетадиган катта қора сумкаларини учар гиламга ортиб олмайманми? Сумкани банану хурмога ту-

латиб кетиб, роса маза қилардим-да, эсиз. Шунақа қилиб, ҳайвонот боғига ҳам етиб келдик. Маймунлар шунақа купки, санаб саноғига етиш учун менга ухшаган учта боланинг бир йил вақти кетади-ёв. Яна бирам қизиқ қилиқлар қилишадики, қайси бири менга қараб тилини чиқарган, қайси бири думини ликиллатган, яна қайси бири кузини қисган, буйнимга Нилу урушқоқнинг фотоаппаратини осиб олганимга ҳам анчагина афсусландим. Маймунларнинг бу кулгили қилиқларини томо-

ша қилар эканман, бир нарса эсимга тушиб «эврика» деб юбордим. Биздаги Обид қизик, Мирза қизиклар чамамда қизиқчиликни шулардан урганган булсалар керак. Зоопаркни маза қилиб айландим. Менга гидлик қилаётган

Олам менинг тасаввуримда

уртоқларимдан мени Шохруҳхоннинг олдига олиб боришларини илтимос қилдим. Улар дарров рози булишди ва кинематографияга олиб боришди. Бу пайтда Шохруҳхон «Қасос» деган янги кинофильмга суратга тушаётган экан. Мен айни съёмка вақтида бориб қолганим учун пича сабр қилишга тўғри келди. Съёмка тугаб Шохруҳхон билан танишиб, илтимосимни айтган эдим, у дарров рози булди. Шу десангиз узим ҳам худо деган боламан-да. Нимани орзу қилсам, дарров ушалаверади. Шу куни Шохруҳхон билан бир умрга ака-ука тутиниб, унинг уйига кетдик. Роса яйраб дам олдик. Ва эртасига эрталаб узимнинг кечагина танишган акамдан мени Аграга олиб боришини талаб қилдим. Бу илтимосим дарров инобатга ута қолди. Чунки узлари кинонинг қолган сериясини Аградаги бизнинг Бобур бобомиз курдирган, дунёдаги етти мўъжизанинг бири булган Тоғмаҳал қасрида суратга олишаркан.

УР-РА, АГРАДАМИЗ

Икки кун давомида Аградаги денгиз буйларида маза қилиб сайр қилдим. Чумилдим. Хуллас калом узимнинг кунглимни узим чоғ қилиб, нимаики томоша қилинадиган нарса булса томоша қилиб, куриб бир ҳайратимга ун ҳайрат қушилиб юрдим. Сафаримизнинг учинчи куни севимли акажоним Шохруҳхон менга Деҳлига қайтишимизни маълум қилди. Йўқ деб иккала оёғимни бир этикка тиқиб туриб олдим. «Яна қаёққа бормоқчисан, жига-

рим» деб суради менинг ниҳоятда меҳрибон ва машҳур акажоним.

Айтганини қилдирмаса қуймайдиган, укаи ноқобил булмиш мен эса ниҳоятда ювошлик билан Бомбейга деб секингина жавоб бердим. Бупти, эртагаёқ Бомбейга жунаймиз, деб мени тинчлантирди Шохруҳхон.

БОМБЕЙДАГИ ФАРОЙИБ ТОМОША

Шу десангиз, мана Бомбей кучаларида кетяпмиз. Узи Бомбей деганлари гирт бозор-

лар шаҳри экан. Қаёққа қараманг раста, бозор. Ҳатто бизда энг катта бозор деб ҳисобланган Ипподром ҳам, бу бозорнинг олдига ип эшолмай қолади. Тагин одамлари ҳеч уй қуришмас экан. Ҳар битта барги бизнинг доимиз устидаги қора тунукадай келадиган Пальма дарахтларининг сояси булар учун ҳам уй, ҳам ётоқ вазифасини бе-малол бажарар экан. Энди бозорини сурасангиз каптарнинг тухумидан тортиб, тошбақанинг жигаригача топишингиз мумкин. Тагин кузларига бегона қуришиб, мени ҳам сотиб юборишмасин деб буйи менга иккита келадиган Шохруҳхоннинг шимининг чунтагидан маҳкам ушлаб олганман. Бир пайт бир бозорчага кириб қолибмиз. Расталарда шунақа чиройли, қипқизил думи гажжак нарсалар сотилаптики, бирам егим келиб кетди. Акам эса бепарво кетиб боряпти. Бу мен номини билмайдиган бирон-бир ширинлик ёки мева булса керак. Акагинамга ҳам маош беришмаган булса-я, пули йўқдирда, булмаса олиб берардику, дедим-да сотувчи ва бепарвогина артист акамнинг кузини шамғалат қилиб ҳалиги думи гажжак нарсанинг биттасини секингина умардим ва шоша-пиша оғзимга тикдим. Шунақа димоғим ачишиб, ичим ёниб кетдики ва тинимсиз аксира бошладим. Қанча аксирганимни билмайману лекин аксиришни бошлаганимда куёш энди чиқаётган эди. Мана ҳозир тухтаб узимга келганимда қоқ тепамда турибди. Вожабо! Қарасам бозорда ҳеч ким қолмабди. Сотиладиган нарсаларнинг ҳаммаси шундайлигича турибдию, лекин одам зотидан асар йўқ. Ё тавба шунча оломон қаёққа кетдийкин? Ё ер ерилиб ерга кириб кетган ё булмаса ҳаммаси менга ухшаб учар гиламга утириб учиб кетганов. Уёққа аланглайман, бу ёққа аланглайман ҳеч ким

йўқ. Бир пайт кузим баланд бир акация дарахтининг устида кузлари газабдан ёниб ҳурпайиб утирган узимнинг садоқатли акажонимга тушди. Акажон, деб бақирганимча югурдим. «Хайрият-ей, аксириб булдингми», деб ҳол-аҳвол сураган булди акажоним. Алам билан акамдан Ҳинд тупроғидаги илк муваффақиятсизлигимнинг сабабини сурадим. Унинг айтишига қараганда у ер қалампир бозори экан. Эмишки, одамлар менинг аксирганимдан қурқиб қочиб қолишганмиш. Мен эса тинимсиз уч соату 47 минут аксириб фақат Ҳиндистонда эмас, балки бутун дунёда рекорд урнатган эмишман. «Биз ҳам анойилардан эмасмиз», дегандай томоқ қириб мақтаниб қуйишни лозим топдим. Ва шунинг шарафига музқаймоқхурлик қилишни таклиф қилдим. Тагин бир ишқал чиқаришимдан қурқди шекилли Шохруҳхон зудлик билан рози булди. Музқаймоққа роса туйдим-да узиям. Энди узимнинг бағрикенг ва саховатли акамдан мени Калькуттага олиб боришни қатъий талаб қилдим. Лекин акажоним мендек, нафси узидан икки қадам олдида юрадиган укасидан тезроқ қутулгиси келдими, иши қулигини баҳона қилди. Ва мандан айтчи уйингдагиларни соғинмадингми, деб суради. Ҳақиқатан ҳам меҳрибон ойижонимни, дадамни, доим менинг ҳуқуқларимни қаттиқ туриб химоя қиладиган Камолани, ҳатто уришқоқ Нилую пучуқ Нигорни ҳам, уйин, ашула деса узини томдан ташлайдиган, оилавий сайловларда доим бетарафлигича қолувчи Наргизни ҳам жуда қаттиқ соғинган эдим. Барибир ҳар қанча яхши, минг чандон чиройли, гузал булгани билан дунёнинг ҳеч бир мамлакати тугилган юртинг, жонажон уйингга тенг келолмаслигини, юрт меҳри барибир бошқача булишини яна бир қарра ҳис қилдим. «Соғиндим, кетаман» — дедим пиқиллаганча бурнимни тортиб. «Бупти, йиглама, узим сени самолётга бугуноқ солиб юбораман, уйларингга борасан, борганинда ҳамма тенгдошларингга менинг номимдан салом деб қуй», — деди Шохруҳхон куз ешларимни артиб. Мен ҳам уларни Узбекистонга, Тошкентга, яқинда буладиган мустақиллигимизнинг олти йиллик туйига таклиф қилдим. Ва қайтиш тараддудини кура бошладим. Қайтарканман тилимдан шу суз тушмасди. НАМАСКАР ХИНДУСТАН, НАМАСТИ ТОШКЕНТ!!!

Тошкент — Деҳли — Агра — Бомбей, 1997 йил, 10—15 август. Шерзод ҚИЛИЧЕВ, Тошкентдаги 102-мактаб ўқувчиси.

Сен Ватан бахтисан,
тожу давлати,
Сендадир келажик,
сендадир ишонч,
Сен кулсанг кулади
дунё ҳам асли,
Сенга ярашгани
фақат шу қувонч.

Шўху шодон ўйнаб
диллар қувонтир,
Мурғак юрагингда
қолмасин армон.
Шодон кулгунг ила
дунёни тебрат,
Истиқлолга тенгдош
азиз болажон!
НИЛУФАР.



(Давоми. Боши
утган сонларда)

Яна бу кашфиёт кишилар умрини 10-12 баробар ошириши мумкин буларди. Ҳа, ҳа шундай буларди.

Болалар Содиқ аканинг сузларини диққат билан тинглашарди.

У эса, қул соатига назар ташлади:

— Ис, анчагина вақт утиб кетибди-ю. Қани энди ишга. Ҳашаротми, капалакми, типратиканми, қулингизга тушган жониворни ушлайберинг. Фақат илонларга тегманг. Бу ерда улар учраб қолиши мумкин. Эҳтиёт булинг, «заҳарлилари ҳам бор», деб эшитганман.

Болалар тарқалиб кетишди. Қосимжон ҳам ут-улан орасини титкилаб, йулга тушди. Кузлари ҳашарот изларди-ю, хаелидан Содиқ аканинг гаплари, уялтиргани сира кетмасди. Аввалига унга роса алам қилди. Кейин бундай уйлаб қараса, бош йуриқчи ҳақ. «Тугри айтади, тан бериш керак, энди болаларга қушилишга ҳаракат қиламан». Қатъий хулосага келди у.

Бирдан у қанотлари олабула рангли капалакни қуриб қолди.

Унинг изидан тушди. Анча югуриб шу капалакни ушлаб, банкачасига солиб қуйди. Кейин яна бошқасини, яна бошқасини тутди. Ишга шунчалик берилиб кетди-ки, бояги қизаргани едидан чиқиб кетди.

Оёғига қандайдир галати нарса тегиб кетганини сез-

гандагина у тухтади. «Нима экан?» — деб энгашиб қараса, тизза буйи утлар орасида кук, қалин муқовали ён дафтар ётибди. Уни қулига олиб, қизиқиб ичини очди. Биринчи бетда чиройли каттакатта ҳарфлар билан, китоблардаги сарлавҳаларга ухшатиб «Кузатишлар, сарлав

уқиди:

«Одамни узоқ вақт ухлатиб қуйиб, умрини узайтириш мумкинми?...» Шу жумладан кейин ёзилган икки қатордаги сатрлар уқиб булмайдиган қилиб чизиб-чизиб учирлиб ташланган, унинг пас-тига эса катта ҳарфлар би-

тагига солиб қуйди-да, овоз келган томон югурди.

Қайтишда Қосимжонни бир савол қийнай бошлади: «Дафтарча кимники экан, у ҳақда болаларга, Содиқ акага айтсаммикан?»

Бир кунгли «дафтарча ҳақида айтишинг керак» деса,

Абдужалил ЗОКИРОВ



ҳалар» деб ёзиб қуйилганди.

Бировнинг дафтарини очиб уқиш ёмон иш эканлигини яхши билса ҳам Қосимжондаги қизиқиш устун келди.

Мана, шу ерда, куп воқеаларда, айниқса саргузашт-ли фильмларда тез-тез учраб турадиган тасодифий ухшаш ҳодисалардан бирининг бошланиши юз берди.

Қосимжон ён дафтарчанинг биринчи саҳифасида ёзилган қуйидаги сузларни

лан «Мумкин!» деб ёзиб қуйилганди.

Қосимжон энди, кейинги саҳифани очиб уқимоқчи булиб турганида Содиқ ака чақираётганини эшитиб қолди:

— Қосимжон, эҳе-ҳе-ҳе Қосимжон! Қаердасан?!

Қосимжон беихтиёр жавоб қилди:

— Шу ердаман...

— Қани юрақол! Қайтаяпмиз!

Қосимжон ён дафтарни калта шимининг чун-

бошқа бир туйғу «куябер, кейинроқ курсатсанг ҳам булади. Аввал узинг уқиб чик. Қизиқарли нарсалар ёзилган булса яна яхши, агар булмагур ҳазилдан иборат булса, кулига қоласан. Курсатма!» дея буйруқ қиларди. Қосимжон дафтарчани курсатмасликка қарор қилди.

... У шунча ҳаракат қилмасин, эртаси кун, туш пайтигача ҳоли қолиб, дафтарчада нималар ёзилганини уқий олмади.

Тушки уйқуга буйруқ бе-

рилганида эса, Қосимжон ҳаммадан аввал каравоти-га чузилиб, узини ухлаганликка солди. Анчадан кейин атрофга угринча назар ташлади. Ухлаб қолишибди. Унг томонидаги Салим ҳатто хуррак ҳам отаяпти.

Қосимжон аста естиги тагига беркитиб қуйган дафтарчани қулига олди, варақлай бошлади. Ён-атроф гира-шира эди, ҳарфларни англаб уқиса буларди. Кейинги саҳифаларда тушуниб булмайдиган ҳар хил формулалар ёзиб ташланган экан. Фақат, охириги саҳифадаги ёзув Қосимжонни қизиқтириб қолди. У пичирлаб шу сузларни уқиди:

«Қора қоя ён бағрида ҳали ҳеч ким урганмаган тиканакка ухшаш усимлик усади. У баҳорда гуллаб, ёзнинг урталаригача кукариб туради. Новдасига қул теккан жой, уша заҳоти қорайиб қолади. Август ойининг бошларида уз-уздан йуқ булиб кетади.

Шу усимликнинг (унга ном ҳам қуйилмаган) кукарган новдасини узиб, қуёш нурида қуритилгач, янчилади. Тайёр булган талқонга озгина шакар қушиб итларга берилганида, улар қаттиқ уйқуга кетган.

Бу усимлик талқонини киши организмда синаб булармикан?»

Дафтарчага бошқа ҳеч қандай суз ёзилмаганди. Унинг эгаси ҳам номаълум эди, Қосимжон дафтарчани яна бир марта варақлаб, синчиклаб қараб чиққан булса ҳам, ҳеч қандай исму фамилия учратмади.

Қосимжон дафтарчани калта шимининг чунтагига солиб қуйди-да, чалқанча ётиб олди. Кузларини юмиб хаёлга берилди.

«Дафтарча бирор олимники булса керак. У уша усимликни излаб Қора қояга чиққан, чунтагидан тушириб қуйган булса керак»...

... Қосимжон ухламоқчи бўлди. Кузларини юмсада, мизгий олмади. Учқур хаёллар уни дам у ёққа, дам бу ёққа элтишарди.

(Давоми бор)

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадаҳон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерига терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табак. Буйруғи — Г-0520. 10960 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30. Навбатчи муҳаррир М. Мадрохимова.

• Руйхатдан утиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
• Напир курсаткичи: № 64563
• Телефон: 33-44-25